



1995 йил 10 июндан чиқа бошлаган

www.mt.uz / milliytiklanish2022@gmail.uz

tiklanish

ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ САМАРҚАНД САММИТИ: ЎЗARO БОҒЛИҚЛИКДАГИ ДУНЁДА МУЛОҚОТ ВА ҲАМКОРЛИК



Ўзбекистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислиги дунё миқёсида шиддатли жараёнлар кечаётган ўзига хос “тарихий эврилиш” палласига тўғри келди – бир тарихий давр ниҳоясига етмоқда ҳамда башорат қилиш мушкул бўлган янги бир давр бошланмоқда.



Кўп йиллик биргаликдаги ишларимиз тажрибасига таяниб ишонч билан айтаемизки, ШХТнинг Самарқанд саммити умумий хавфсизлик ва тараққиёт йўлидаги ўзаро ҳурмат, ишонч, конструктив ҳамкорлик принципларига асосланган янги, инклюзив мулоқотни йўлга қўйиш борасида ўзига хос намуна бўла олади. Самарқанд ташки сийсат бобида устувор йўналишлари турлича бўлган давлатларни бирлаштириш ва муроасага келтиришга қодир айнан шундай платформага айлана олади. Тарихан шаклланган тушунчага кўра, Самарқанддан туриб қаралганда, дунё тарқоқ эмас, балки яхлит ва бўлинмас бўлиб кўринади. “Самарқанд рухи” деган ноёб феноменнинг мазмуни ҳам асли шунда мужассам бўлиб, у халқаро ҳамкорликнинг, жумладан, ШХТ доирасидаги шерикликнинг принципаал жихатдан янги форматини шакллантириш борасида мустаҳкам пойдевор бўлиши мумкин.

2-3

Муносабат



Руслан ЖУМАМУРАТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты

САМАРҚАНД ДУНЁВИЙ ҲАМКОРЛИК УЧУН ҚУЛАЙ ИМКОНИАТДИР

Мана, бир неча кундан бери жаҳон ҳамжамиятининг нигоҳи Ўзбекистон мезбонлик қиладиган Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг навбатдаги саммитига қаратилмоқда. Шу йилнинг 15-16 сентябрь кунларида ўтадиган мазкур тадбирнинг Самарқанд шаҳрида ўтказилиши ҳам бежиз эмас. Чунки ушбу тарихий маскан ўзининг бой тарихи ва жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси билан ҳам дунё эътирофини қозонган. Маълумки, ШХТ ҳамкорлик ташкилоти бўлиб, унга аъзо давлатлар орасида

иқтисодий-савдо тармоғи яъни ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қиладди. Ўзбекистон ташкилот доирасида сўнги йилларда аъзо давлатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйган ҳолда 50 дан ортқ ташаббусларни илғари сурганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Саноат корпорацияларини ривожлантириш, иқтисодий савдо тармоғини кенгайтириш, транспорт логистикаси сингари масалалар шулар жумласидандир.

Давоми 2-бетда

НОРАСМИЙ БАНДЛИК УЛУШИ КАМАЙТИРИЛАДИ. АГАР... 3

ДУНЁДАГИ МУРАККАБ
ВАЗИЯТ БАРЧА УЧУН
БИРДЕК ХАВОТИРЛИ 2

ЭЛИ АЛДАМАНГ,
ШАҲРИҲОЙЛИК
РАҲБАРЛАР! 4

«БЕШ ТАШАББУС
ОЛИМПИАДАСИ»ДА
ЕШЛАР ФАВЛ
ИШТИРОК ЭТМОҚДА 5

САВОЛ ЖУДА ОДДИЙ:
ПРЕЗИДЕНТ
ҚАРОРИ НЕГА
БАЖАРИЛМАЯПТИ? 6

ЯНА ТОМДАН
ТАШЛАЙДИГАНЛАР БОРМИ? 7

ХОРИЖНИНГ АЙРИМ ТАЖРИБАЛАРИНИ ҚОНУНЛАРИМИЗДА
АКС ЭТТИРИШ БУ НИҲОЯТДА
ХАТО ҚАРОРДИР 4

ҚИЗ ФАРЗАНД ЎСТИРАЁТГАН
БЎЛСАНГИЗ... 7

КУЧЛИ ҚУЙИ БЎҒИНДАН – КУЧЛИ ПАРТИЯГА! 5




Чоршанба
 14 сентябрь, 2022 йил
 №31 (1180)

” ШХТ ўз моҳиятига кўра, тинчлик, ҳамкорлик ва тараққиёт йўлида бирлашишга, айирмачилик унсуридан холи бўлган жозибадор маконга айланиши лозим.

ШХТнинг 22-МАЖЛИСИ

ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ САМАРҚАНД САММИТИ:

ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИКДАГИ ДУНЁДА



ортиши, биохилма-хилликка путур етиши ҳамда хавфли юқумли касалликлар тарқалиши жамиятларимизнинг заиф томонларини янада яққолроқ кўрсатиб бермоқда. Бу муаммолар инсоният тақдирига бевосита дахлдор бўлган муштарак қадрият ва неъматларнинг емирилишига олиб келиб, одамлар ҳаёти ва фаолиятига таҳдид солмоқда, уларнинг даромад манбаларини қисқартирмоқда.

Бундай мураккаб шароитда бир ҳақиқат аниқ: ҳеч бир мамлакат ёлғиз ҳолда ушбу глобал хавф-хатарларни четлаб ўтиш ёки бартараф этишга қодир эмас.

Бугун биз яшаётган, жараёнлар ўзаро чамбарчас боғланган дунёда хавфли муаммолар гирдобидан чиқишнинг яққо ягона йўли — конструктив мулоқот ва ҳар бир тарафнинг манфаатларини ҳисобга олиш ва ҳурмат қилишга асосланган кўп томонлама ҳамкорликдир. Айнан инқироз ва бўҳронлар даврида мамлакатлар, улар ҳоҳ қатта, ўрта ёки кичик бўлсин, ўзларининг тор доирадаги манфаатларини устун қўймасдан, аксинча, асосий эътиборни глобал ҳамжиҳатликка қаратишлари лозим. Тинчлик, хавфсизлик ва барқарор тараққиётга хавф тугдираётган, ҳар қайси мамлакатга раҳна соладиган таҳдид ва хатарларга қарши умумий саъй-ҳаракат ва имкониятларни бирлаштириш ва сафарбар этиш барчамиз учун бирдек манфаатлидир.

Самарали халқаро ҳамкорлик — бу дунёда барқарор, ишончли ва фаровон тараққиётнинг энг муҳим омилдир. Айнан шундай ёндашув замонамизнинг долзарб муаммоларини

баҳамжиҳат ҳал этиш, янги хавф-хатар ва ижтимоий ларзалардан ҳимояланиш учун энг аниқ, мақбул ва самарали йўл ҳисобланади.

МУВАФФАҚИЯТЛИ МИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИК МОДЕЛИ

Барчанинг ва ҳар бир томоннинг манфаатларига жавоб берадиган халқаро ҳамкорликни кўп томонлама институтларсиз амалга ошириб бўлмайди. Ушбу институтлар фаолиятидаги муайян камчиликларга қарамадан, улар минтақавий ва глобал миқёсда давлатлараро ҳамкорликнинг энг муҳим воситаси бўлиб хизмат қилишда давом этмоқда. Халқаро ва минтақавий ташкилотлар мамлакатлар ўртасидаги турли келишмовчиликларни

қарашлари турлича, ўз ташқи сиёсий йўналишлари ва миллий тараққиёт моделларига эга мамлакатларни бирлаштира олган ўзига хос давлатлараро тузилмадир. Тарихан қисқа даврда ШХТ катта йўлни босиб ўтиб, глобал сиёсий ва иқтисодий тизимнинг ажралмас қисмига айланди, деб қатъий ишонч билан айтиш мумкин.

Бугунги кунга келиб ШХТ ҳамжамияти — улкан географик маконни қамраб олган ва сайёраимиз аҳолисининг қарийб ярмини бирлаштирган, дунёдаги энг йирик минтақавий ташкилотдир.

ШХТнинг халқаро ташкилот сифатидаги жозибадорлиги унинг фаолияти асосини ташкил этадиган қуйидаги тамойилларда намоён бўлмоқда: Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг

сизликни таъминлаш орқали кўп томонли ҳамкорликни илгари суришдадир.

ШХТ ўз моҳиятига кўра, тинчлик, ҳамкорлик ва тараққиёт йўлида бирлашишга, айирмачилик унсуридан холи бўлган жозибадор маконга айланиши лозим.

Шу сабабли ҳам ШХТ фаолиятига қўшилиш истагидаги давлатлар сони йилдан йилга ортиб бормоқда. Бу тенденция халқаро ва минтақавий муносабатлар тизими трансформация жараёнини бошидан кечираётган бугунги шароитда яққол кўзга ташланмоқда.

ШХТ маконидagi давлатларнинг юксак инсоний, интеллектуал ва технологик салоҳиятга, жадал ривожланаётган иқтисодийларга ва ҳали тўлақонли фойдаланилмаган табиий захираларга эга экани ташкилотнинг иқтисодий аҳамиятини янада оширишга хизмат қилади.

Бугунги кунда ШХТга аъзо давлатлар ялпи ички маҳсулотининг умумий ҳажми жаҳон кўрсаткичининг қарийб чорак қисмини ташкил қилмоқда. Бу эса эндигина 20 ёшга тўлган ушбу минтақавий ташкилот томонидан дунёнинг барқарор ривожланишига қўшилаётган ҳиссасининг салмоғи юксак эканидан далолат беради.

Янги синовлар ва имкониятлар вужудга келаётган бугунги дунёда ШХТнинг трансформацияси ва юксалиши учун нафақат аъзолар сонининг кўпайиши ҳисобига, балки ташкилот ривожининг янги стратегик йўналишларини илгари суриш орқали кенг истиқболлар мавжуд. Бу ўринда гап транспорт ва ўзаро боғлиқлик, энергетика, озиқ-овқат ва экология хавфсизлиги, инновациялар, ▶

Ўзбекистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислиги дунё миқёсида шиддатли жараёнлар кечаётган ўзига хос “тарихий эврилиш” палласига тўғри келди — бир тарихий давр ниҳоясига етмоқда ҳамда башорат қилиши мушкул бўлган янги бир давр бошланмоқда.

Халқаро ҳамкорликнинг универсал принцип ва нормаларга асосланган тизими издан чиқиб бораётгани бугунги кун ҳақиқатидир. Бунинг асосий сабабларидан бири — глобал даражада давлатлар ўртасидаги ўзаро ишончнинг чуқур таназзулга юз тутаётгани билан боғлиқ. Бу эса ўз навбатида геосиёсий қарама-қаршиликларга рағбат бериб, «блокларга мансублик» стереотипларининг қайта тугилиш хавфини юзага келтирмоқда. Давлатлар ўртасидаги бундай ўзаро ишончсизлик жараёни жаҳон иқтисодиётининг аввалги тараққиёт йўлига қайтишини ва глобал таъминот занжирларининг тикланишини мураккаблаштиради.

Дунёнинг турли нуқталарида давом этаётган қуролли можаролар савдо ва инвестиция оқимларини издан чиқариб, озиқ-овқат ва энергетика хавфсизлигини таъминлаш борасидаги муаммоларини янада кескинлаштиради.

Шу билан бир қаторда, глобал иқлим ўзгариши, табиий бойликлар ва сув ресурслари танқислигининг

” Дунёнинг турли нуқталарида давом этаётган қуролли можаролар савдо ва инвестиция оқимларини издан чиқариб, озиқ-овқат ва энергетика хавфсизлигини таъминлаш борасидаги муаммоларини янада кескинлаштиради.

енгиб ўтиш, ўзаро англашувни мустаҳкамлаш, сиёсий ва иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, савдосотиқни кенгайтириш ҳамда маданий-гуманитар алмашинувни рағбатлантиришга ёрдам беради.

Кўп томонлама фаолиятга асосланган энг ёш институтлардан бири — Шанхай ҳамкорлик ташкилоти айнан мана шундай мақсад ва вазифаларни кўзлайди. Бу ташкилот маданий-цивилизация

турли блоклардан холи маконга эга экани, очиклик, учинчи мамлакатлар ёки халқаро ташкилотларга қарши қаратилмагани, барча иштирокчи томонларнинг тенглиги ва суверенитетини ҳурмат қилиш, ички ишларга аралашмаслик, сиёсий қарама-қаршилик ва ихтилофли рақибликка йўл қўймаслик.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг муваффақият гарови — минтақавий хавф-

✓ Муносабат

ДУНЁДАГИ МУРАККАБ ВАЗИЯТ БАРЧА УЧУН БИРДЕК ХАВОТИРЛИ



Алишер ҚОДИРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари,
Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгаши раиси

Инсоният миллионлаб қурбонлар эвазига эришган муваззатини ҳақлигидан шубҳа қилмаётган йирик давлатлар ўз манфаатлари йўлида «уйин қилаётган» бир вақтда, 15 та давлат ва 10 дан ортқ халқаро ташкилот раҳбарлари жам бўладиган ШХТнинг Самарқанд саммити муҳим хулосалар учун имкониятга айланиши кутилмоқда.

ШХТ Ўзбекистон раислиги даврида, катта ёки кичиклигига қарамадан, тенг ва манфаатли ҳамкорликдан манфаатдор бўлган дунёнинг ярмини жамлаб, қўллаб-давлатлар учун ҳам жозибали ташкилотга айлангани эътироф этилмоқда. Бундай эътирофлар билан бирга тиниб-тинчимас уруш мафкурачилари томонидан Самарқанд саммити қарши коалицияни шакллантириши мумкинлиги ҳақидаги «башорат»лар ҳам пайдо бўлди.

Ана шундай бир пайтда Ўзбекистон Президентининг ШХТ Самарқанд саммити мақсади, тараққиёт пойдевори бўлган тинчлик ва барқарорлик, ўзаро манфаатли иқтисодий ва сиёсий устуворликларни Самарқанд руҳида умумлаштирилган тақлифлари ўз вақтида эълон қилиниб, қўллаб-таъминларга жавоб бўлганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Дунё шиддат билан ўзгармоқда. Бугунги реаллик қанчалар мустаҳкам ва кучли бўлмасин, ҳеч бир давлат яққа ҳолда барқарор жамият кура олмаслигини кўрсатиб қўйди. Яқин тарихда шундай хомхаёллар инсониятни икки лагерга бўлган ва бир томонни тараққиётдан ортда қолиб кетишига олиб келганини ҳеч ким унутгани йўқ.

Президент Шавкат Мирзиёев халқларимиз яна бўлиниш ва тортишиш эмас, қитъалар, минтақалараро транспорт йўлакларини очиш, ўзаро манфаат келтирадиган савдо-иқтисодий муносабатларни кенгайтириш, тараққиёт йўлида ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва маданиятлараро дўстона мулоқот талаб қилаётганини ёзмоқда.

Минглаб йиллик тарихида борлик ва йўқликдан садоқат ва хиёнатгача барчасини кўрган Самарқанд, унинг бағрида ётган, адолатнинг кучда эмаслигини васият қилган Амир Темур ватани Ўзбекистон заминида дунёда тинчлик ва барқарор тараққиёт руҳи тикланиши керак. Зеро, бугун бутун дунё шунга умид қилмоқда.

САМАРҚАНД ДУНЁВИЙ ҲАМКОРЛИК УЧУН ҚУЛАЙ ИМКОНИЯТДИР

Саммит давомида ШХТга аъзолик мақомини олиш учун Эрон Ислом Республикасининг мажбуриятлари тўғрисидаги меморандум имзоланиши, шунингдек, ШХТнинг кузатувчи ва мулоқот бўйича шерик давлатлари аъзолигини кенгайтириш тўғрисида қарор қабул қилиш, ШХТ ва қатор халқаро ҳамда минтақавий ташкилотлар ўртасида ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш бўйича ҳужжатлар имзоланиши кўзда тутилмоқда. Албатта, бундай катта миқёсдаги тадбирлар олдида ташкилотнинг айна даврдаги аҳамияти ва ундан кўзланган мақсадлар нимадан иборатлиги кўпчиликни қизиқтириши табиий. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг дунёнинг қўллаб-мамолақатларидаги нуфузли нашрларда чоп этилган “Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити: ўзаро боғлиқликдаги дунёда мулоқот ва ҳамкорлик” номли мақоласида ҳам шу ва бошқа бир қатор масалалар ҳамда ташаббуслар ўрин олганини айтиш жоиз.

Шунингдек, мақолада бугунги мураккаб халқаро жараёнлар, иқлим ўзгариши ва бошқа қатор муаммолар воқелигида мамлакатларнинг кўп қиррали муносабатлари улкан аҳамиятга эга экани таъкидланган бўлиб, бундай вазиятларда давлатларнинг биргаликда ҳаракат қилиши жуда муҳим экани, айна пайтда бирор давлат муаммоларига яққа ҳолда ечим топа олмаслиги хусусида фикрлар билдирилган.

Ишончим комилки, глобаллашаётган дунёнинг бир қатор муаммоларига ечимлар топиб берадиган саммит давомида илгари суриладиган ҳар қандай тақлиф ва ташаббуслар аъзо давлатлар ва унда яшаётган миллат ва элатлар ҳаётида катта янгиликларга йўл очиб, ҳамкорлик алоқаларининг кенгайиши ва раванкига хизмат қилади.

(Бошланғич 1-бетда)



Чоршанба
14 сентябрь, 2022 йил
№31 (1180)

2023 йил 1 январидан эса шахсий томорка ер участкаларига энг оммалашган чорвачилик, иссиқхоначилик, гулчилик каби 9 та йўналиш расмий банд бўлган аҳоли тоифасига киритиладиган ва ушбу давр уларнинг меҳнат стажига қўшилладиган бўлди.

ШХТнинг 22-МАЖЛИСИ

МУЛОҚОТ ВА ҲАМКОРЛИК

Қадамли трансформация ва «яшил» иқтисодиёт каби муҳим йўналишлар ҳақида бормоқда.

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ
ШХТДАГИ РАИСЛИГИ:
БИРГАЛИКДА
РИВОЖЛАНИШ ОРҚАЛИ
УМУМИЙ МУВАФФАҚИЯТ
САРИ**

Ўзбекистон Республикаси Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислик қилишдек масъулияли вазифани ўз зиммасига олган, асосий эътиборни ҳамкорликнинг янги уфқларини очиш ва ҳар бир иштирокчи мамлакатнинг фойдаланилмаган резервларини ишга солиш орқали Ташкилотни жадал ривожлантириш стратегиясига қаратди.

Бизнинг асосий шиоримиз – «Ҳар биримиз кучли бўлсакки ШХТ кучли бўлади». Уни амалда рўёбга чиқариш йўлида Ташкилотни янада кучли ва халқаро ҳамкорларимиз учун янада жозибадор бўлишига эришиш учун жиддий ҳаракат қилдик.

Йил давомида ўтказилган саксондан ортиқ йирик тadbирлар доирасида ШХТ учун кенг қамровли кун тартиби шакллантирилди. Бунда хавфсизлик соҳасидаги алоқаларни янада кенгайтириш, транспорт ва иқтисодий ўзаро боғлиқликни кучайтириш, Ташкилотнинг халқаро майдондаги ўрнини мустаҳкамлаш, ривожланишнинг янги йўллари ва нуқталарини излаш каби кўплаб муҳим масалалар қамраб олинди.

Уз тараққиётининг янги тарихий босқичида турган ШХТ учун катта истиқболга эга бу йўналишлар Ўзбекистоннинг

раислиги даврида тайёрланган ўттиздан ортиқ концептуал дастур, келишув ва қарорларда ўз аксини топди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимизнинг ШХТга раислиги юртимизда кейинги олти йилда амалга ошириб келинаётган фаол ва очик ташқи сиёсатнинг мантикий давоми бўлди. Бу сиёсат, энг аввало, ШХТнинг географик ўзаги бўлмиш, бугунги кунда яхши

муҳим ва долзарбдир. Шахшубҳасиз, Афғонистон ШХТ маконининг ажралмас қисми саналади. Бугун афғон халқи қўшни ва хайрихоҳ давлатлар кўмагига ҳар қачонгидан ҳам муҳтож. Афғонистонга биргаликда ёрдам қўлини чўзишимиз, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига, минтақавий ва глобал тараққиёт жараёнларига интеграциялашувига кўмаклашимиз ва шу

биргаликда амалга ошириш орқали, биз ижтимоий-иқтисодий ва транспорт-коммуникация вазифаларини ҳал этибгина қолмасдан, минтақавий хавфсизликни таъминлашга ҳам салмоқли ҳисса қўишимиз мумкин.

Ўзаро позицияларимизни яқинлаштириб, тинч, барқарор ва фаровон Афғонистон учун ШХТнинг янги кун тартибини биргаликда ишлаб чиқа олишимизга аминман. Шундагина том маънода барқарор ва изчил ривожланаётган, яхлит хавфсизликка эга бўлган ШХТ маконини барпо эта оламиз.

**«САМАРҚАНД РУҲИ»
– ҲАМКОРЛИК, ЎЗАРО
АНГЛАШУВ ВА ДЎСТЛИК
ИФОДАСИ**

Савдо-иқтисодий ва ишлаб чиқариш алоқаларининг жиддий узилишига олиб келган уч йиллик «пандемия танаффусидан» сўнг ШХТ мамлакатлари ва халқларига тўғридан-тўғри мулоқот зарур.

Буюк Ипак йўлининг дурдонаси бўлган қадимий Самарқанд шаҳри жаҳоннинг ўн тўртта мамлакатни етакчиларини Ташкилотнинг ва унга аъзо ҳар бир давлатнинг фаровонлиги ва равангига хизмат қиладиган янги ва илғор тақдир ҳамда ташаббуслари билан кутиб олишга тайёр.

Ушбу афсонавий шаҳар Шанхай ҳамкорлик ташкилоти тарихида муваффақиятнинг яна бир саҳифасини очишига шубҳа йўқ. Самарқанднинг шонли тарихий мероси бунга хизмат қилади. Кўп асрлар мобайнида бу шаҳар Европадан Хитойгача бўлган мамлакатларни мустаҳкам ришталар билан боғлаб,

Шимол ва Жанубни, Шарқ ва Ғарбни ягона чорраҳада туташтирган.

Азал-азалдан Самарқанд турли ғоя ва билимлар «қайнаган» макон бўлиб, бу масканда инсониятнинг тинч ва фаровон яшаш, ўз куч ва имкониятларини рўёбга чиқариш, бахтли ҳаёт кечириш каби муштарак мақсадлари мужассам бўлган. Бу табарруқ заминда яшайдиган ҳар бир одам, яхши қўшни – бу Худо инсоид ато этган бахтнинг бир бўлаги эканини, тинч-тотув қўшничилик эса баракот манбаи эканини чуқур англаган. Зеро, ҳамкорлик, савдо, ижод, илм-фан ва санъат, инсоний ғоялар устувор бўлган жойда эзгуликлар кўпаяди, халқлар фаровон ва ўзаро аҳил яшайди.

Бугун замонавий ва жадал ривожланаётган инфра-тузилмаларга эга бўлган Самарқанднинг бундай ноёб жиҳатлари уни минтақавий ва глобал хатарларни биргаликда муҳокама қилиш, бу борада зарур ечимларни излаб топиш учун энг қўлай ва мақбул майдонга айлантормоқда.

Инсониятнинг бир бутунлиги ва ўзаро боғлиқлиги шу даражада юқорики, мавжуд хатарларнинг аксарияти нафақат минтақалар, балки умумжаҳон миқёсида ҳамкорлик қилишни тақозо этмоқда.

Кўп йиллик биргаликдаги ишларимиз тажрибасига таяниб ишонч билан айталикки, ШХТнинг Самарқанд саммити умумий хавфсизлик ва тараққиёт йўлидаги ўзаро ҳурмат, ишонч, конструктив ҳамкорлик принципларига

асосланган янги, инклюзив мулоқотни йўлга қўйиш борасида ўзига хос намуна бўла олади.

Самарқанд ташқи сиёсат бобида устувор йўналишлари турлича бўлган давлатларни бирлаштириш ва муросага келтиришга қодир айнан шундай платформага айлана олади.

Тарихан шаклланган тушунчага кўра, Самарқанддан туриб қаралганда, дунё тарқоқ эмас, балки яхлит ва бўлинмас бўлиб кўринади. «Самарқанд руҳи» деган ноёб феноменнинг мазмунини ҳам асли шунда мужассам бўлиб, у халқаро ҳамкорликнинг, жумладан, ШХТ доирасидаги шерикликнинг принципиал жиҳатдан янги форматини шакллантириш борасида мустаҳкам пойдевор бўлиши мумкин.

Аслини олганда, «Самарқанд руҳи» бундан 20 йил аввал мамлакатларимизнинг давр талабларига мос, янги ташкилотни яратишига туртки берган «Шанхай руҳи»ни уйғун равишда тўлдириб туради.

Шу сабабдан аминмизки, Самарқандда ШХТ ҳаётининг янги босқичи бошланишига гувоҳ бўламиз – Ташкилотнинг таркиби кенгайиб, унинг келажақ кун тартиби шаклланиши ва бунда чуқур рамзий маъно мужассам.

Ишончимиз комилки, Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг бўлажак саммитида қабул қилинадиган қарорлар минтақавий даражада ҳам, глобал миқёсда ҳам мулоқот, ўзаро англашув ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшади.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

✓ Акс-садо

НОРАСМИЙ БАНДЛИК УЛУШИ КАМАЙТИРИЛАДИ. АГАР...



Нодир ТИЛАВОЛДИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты

Норасмий меҳнат нафақат мамлакат иқтисодиётига, балки инсон ҳаёти ва соғлигини хавф остига қўйишга ҳам олиб келади. Энг ёмони, инсон кексайганида ёки меҳнатга лаъқатсиз бўлиб қолганида уни ижтимоий ҳимоясиз қолдиради.

Дунёнинг барча мамлакатлари сингари Ўзбекистонда ҳам норасмий меҳнат муносабатлари мавжуд бўлиб, бугунги кунда 5 690 200 нафар киши иқтисодиётнинг норасмий секторига фаолият олиб бормоқда.

2020 йилда аҳолини тadbиркорликка кенг жалб этиш ва қонуний меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун қўшимча шарт-шароитларни яратиш мақсадида мамлакатимизда ўзини ўзи банд қилиш институти жорий этилган, расмий секторда банд бўлганлар сони йилдан-йилга ортди. Айти пайтда улар сони 6 074 500 тани ташкил этмоқда.

Ўтган давр давомида ўзини ўзи банд қилиш мумкин бўлган фаолият турлари ҳам кўпайди. Натижада 1 июнь ҳолатига кўра, Ўзбекистонда жами ўзини ўзи банд қилганлар

сони 1 720 423 нафарга етди.

Шу ўринда жорий йилнинг 6 ойи давомидагина 565 843 нафар киши ўзини ўзи банд қилган шахс мақомига эга бўлганини таъкидлаш жоиз. Йил бошидан буён эса 159,4 минг нафар ўзини ўзи банд қилган шахс томонидан жами 40,7 млрд. сўм миқдорига ижтимоий солиқ тўланди.

Қайд этиш жоизки, бу соҳадаги ислохотларнинг мантикий давоми сифатида ишсиз фуқароларни, айниқса, хотин-қизлар ва меҳнат бозорига биринчи марта кириб келаётган битирувчилар бандлигини таъминлаш, уларни тadbиркорликка кенг жалб этиш, норасмий бандликни камайитириш мақсадида Президентимизнинг «Норасмий бандлик улушини қисқартириш ҳамда меҳнат ресурслари балансини замонавий ёндашувлар асосида шакллантириш чора-tadbirlari тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Мазкур қарор билан 2022 йилнинг 1 ноябидан яна 10 та фаолият тури бўйича, 2023 йил 1 январидан эса шахсий томорка ер участкаларида энг оммалашган чорвачилик,

иссиқхоначилик, гулчилик каби 9 та йўналиш расмий банд бўлган аҳоли тоифасига киритиладиган ва ушбу давр уларнинг меҳнат стажига қўшилладиган бўлди.

Мамлакат иқтисодиётининг ўсиш драйверларидан бири бўлган қурилиш соҳасида ҳам яқка тартибдаги тadbиркорларга унчалар мурракб бўлмаган умумий қурилиш ва қурилиш-таъмирлаш ишларини бажариш ҳамда қурилиш-пудрат ташкилотларига умумий қурилиш ишларини бажариш учун шартнома асосида яқка тартибдаги тadbиркорларни жалб қилиш имкониятининг яратилиши ушбу соҳада минглаб ноқонуний ташқи миграциянинг олдини олишга хизмат қилади, дейиш мумкин.

Яна бир муҳим омил: бу – меҳнат муносабатлари соҳасида қадамли технологиялар ва бизнес жараёнлар самарадорлигини ошириш мақсадида «Ягона миллий меҳнат тизими»ни идораларро ахборот манбалари билан интеграция қилиш, «Ёшлар дафтари» платформасида умумий ўрта, профессионал ҳамда олий таълим

муассасалари битирувчиларининг бандлик ҳолатини мониторинг қилиш мақсадида «Битирувчилар бандлиги» функциолининг жорий этилиши бўлди. Бемалол айтиш мумкинки, бундай ўзгариш соҳани бутунлай янги босқичга олиб чиқади.

Ҳужжатда 2022-2024 йилларга мўлжалланган норасмий бандлик улушини қисқартириш бўйича ишлаб чиқилган йўл харитасида норасмий бандликни таҳлил қилиш, уни қисқартиришни рағбатлантириш ҳамда ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш бўйича аниқ мақсадлар ва уларни амалга ошириш механизмлари белгилаб қўйилган.

Кўрииб турибдики, ҳар қандай ўзгариш ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиз, яъни аҳоли турмуш тарзини ўзгариши билан чамбарчас боғлиқдир. Бас, шундай экан биз депутатлар мазкур соҳага доир қонунлар, Президент фармон ва қарорлари ижросини таъминлаш борасида алоҳида фаоллик кўрсатишимиз лозим. Зеро, зиммамиздаги мажбурият биздан шундай талаб этмоқда.



ХОРИЖНИНГ АЙРИМ ТАЖРИБАЛАРИНИ ҚОНУНЛАРИМИЗДА АКС ЭТТИРИШ БУ НИҲОЯТДА ХАТТО ҚАРОРДИР



«Миллий тикланиш» демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилишида кейинги пайтларда Ўзбекистоннинг бир қатор йирик халқаро тадбирларга мезбонлик қилаётгани ва бу тадбирларнинг аҳамияти ҳақида сўз юритилди.

– Хабарингиз бор, яқинда Тошкентда Парламентлараро иттифоққа аъзо давлатлар парламентлари аёл раҳбарларининг 14-саммити бўлиб ўтди, – деди йиғилишда фракция раҳбари ўринбосари Нодир Тилаволдиев. – 15-16 сентябрь кунлари эса Самарқанд Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг навбатдаги саммитига мезбонлик қилади.

Йиғилишда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Самарқанд саммитига бағишланган «Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити: ўзаро боғлиқликдаги дунёда мулоқот ва ҳамкорлик» сарлавҳали мақоласининг мазмун-моҳияти хусусида фикр алмашилди.

Шундан сўнг депутатлар «Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар қафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқдилар.

Маълумки, сўнгги йилларда юртимизда хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларга эришиш, жамият ва давлат ишларини бошқаришда уларнинг тенг иштирокларини таъминлаш, айниқса, аёлларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, таъин ва зўравонликлардан ҳимоя қилиш бўйича мустақам ҳуқуқий асослар яратилди.

Натижада бошқарув тизимида аёллар улуши 33 фоизга етди. 81 та вазирлик ва идорада билимли аёллардан иборат 15 минг нафардан ортиқ кадрлар захираси шакллантирилди. Бугун ташкилот ва корхона

раҳбарларининг 45,3 фоизини аёллар ташкил қияпти. Бу кўрсаткич соғлиқни сақлаш ва ижтимоий соҳаларда 82 фоизга, фан, таълим, маданият, санъат соҳасида эса 72 фоизга етган.

Бу ишларни янада фаоллаштириш мақсадида 2030 йилга қадар Ўзбекистонда гендер тенгликка эришиш стратегияси қабул қилиниб, уни 2021-2022 йилларда амалга ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланди. Ушбу ҳужжатнинг 1-бандида «гендер аудит» тушунчаси ва уни ўтказиш тартибини белгилашни назарда тутувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш белгиланган. Шундан келиб чиқиб, «Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар қафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Ушбу масала бўйича фракция аъзоси Умида Раҳмонова «гендер аудит вазифалари» ва «гендер аудитни ўтказиш тартиби» махсус моддаларда белгиланаётганини таъкидлаб, хорижий тажрибалардан мисоллар келтирди.

– Ушбу қонун лойиҳаси барча жабҳаларда хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар яратиш кафолатини таъминлаш механизmlарини янада кучайтиришга хизмат қилади, – деди У.Раҳмонова.

Қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда ҳам қизгин муҳокамаларга сабаб бўлди. Жумладан, фракция аъзолари Илҳом Абдуллаев ва Уктам Исламовлар Ўзбекистонда ушбу қонун лойиҳасини қабул қилишга эҳтиёж йўқлигини,

шундоқ ҳам юртимизда аёлларни кадрлаш, ҳурматини жойига қўйиш қадрият даражасига кўтарилганини, европага хос бўлган бундай нормалар, аксинча аёлларнинг камситилишига олиб келиши мумкинлигини таъкидлашди.

– Қонунларни қабул қилишда хорижий тажриба, хорижий тажриба деб кўп гапирамиз. Аммо хорижий давлатларнинг қадриятларимизга зид бўлган айрим тажрибаларини қонунларимизда ақс эттиришимиз қанчалик тўғри? Масалан, Швецияда эркек киши бола парвариши учун таътил олиш ҳуқуқига эга. Европа жамиятига хос бўлган бундай нормаларни бизнинг менталитетимизга синдириб бўлмайди-ку, – деди депутат Абдумалик Акрамов.

Турсуной Муратова эса юқоридаги фикрларга муносабат билдирар экан, мамлакатимизда аёлларга кенг имкониятлар яратилаётган бўлса-да, баъзи ташкилотлар бу борадаги нормаларга амал қилмаётганини қайд этди.

– Масалан, туғуруқ таъти-лидан қайтган аёлларни қайта ишга олмастик ёки олишса-да, уларга хос бўлмаган ишларни таклиф қилиш бугун оддий ҳолга айланган ва сайловчиларимиз билан бўлган учрашувларда бу ҳақда жуда кўп муножаатлар бўляпти. «Гендер аудит» айнан шундай масалаларни ҳал қилиш билан шуғулланади. Қолаверса, қонун лойиҳаси билан нафақат хотин-қизларнинг, балки эркекларнинг ҳам ҳуқуқлари ҳимоя қилинади, – деди Т.Муратова.

Муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси овозга қўйилди ва кўпчилик томонидан иккинчи ўқишда ҳам қўллаб-қувватланди.

Шундан сўнг депутатлар «Волонтерлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига волонтерлик фаолияти соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини муҳокама қилдилар.

Таъкидланганидек, бугун дунёда волонтерлик ҳаракати тобора авж олиб, давлатларнинг бу борадаги қўллаб-қувватлови нафақат муҳтож аҳолига ёрдам бериш, балки жамият тараққиётига ҳам хизмат қилмоқда. Ўзбекистонда 2019 йилнинг декабрида «Волонтерлик фаолияти тўғрисида»ги қонун қабул қилинди ва 2020 йилда волонтерлар ассоциацияси ташкил қилинди. Бугун ушбу тузилманинг 61 минг нафар аъзоси 99 та доимий фаолият юритаётган гуруҳларга бирлашган. Бироқ шунга қарамай, ушбу соҳадаги фаолият тизимли оlib борилмаяпти ва бунга волонтерлик бўйича давлат сиёсатини амалга оширувчи ваколатли давлат органининг белгиланмагани сабаб бўлмоқда.

Шу боис, 4 та моддадан иборат қонун лойиҳаси тайёрланиб, унда Ёшлар ишлари агентлиги волонтерлик фаолиятида ваколатли давлат органи этиб белгиланмоқда. Чунки волонтерларнинг асосий қисмини ёшлар ташкил қилади ва шу сабабли, бу фаолиятни назорат қилиш ваколати агентликка юклатилиши мақсадга мувофиқ.

Маълумки, ушбу қонун лойиҳаси ўтган фракция йиғилишларидан биринчи қонун лойиҳасига масъул идора – Вазирлар Маҳкамасидан ҳеч ким иштирок этмагани сабабли кун

тартибдан чиқарилган ҳамда қонун лойиҳасида бир қатор номувофиқликлар бўлгани боис, депутатларда кўллаб-қувватлов пайдо бўлган эди.

Йиғилишда иштирок этган Ёшлар ишлари агентлиги директори ўринбосари Дилноза Каттаханова эса саволларга қониқарли жавоб бера олмаган эди.

Бу сафар ҳам депутатлар эътирози кам бўлмади. Қонун лойиҳаси ҳеч қандай ўзгаришларсиз, яъни аввал қандай ҳолатда бўлса шундайлигича тақдим қилинган. Йиғилишда яна депутатлар саволларига аниқ жавоб берадиган масъуллар иштирок этмаяпти. Асосий маърузачи сифатида белгиланган Ёшлар ишлари агентлиги директори ўринбосари Дилноза Каттаханова эса Нукусда хизмат сафарига бўлгани боис йиғилишга кела олмаган. Ҳатто Олий Мажлиснинг қонун лойиҳасига масъул кўмитасидан ҳам вақил қатнашмаяпти.

– Технология асрида яшаймиз. Хизмат сафарига кетган Дилноза Каттаханова Нукусдан туриб бўлса ҳам «Zoom» орқали боғланиб, депутатлар саволларига жавоб бериши мумкин эди, – деди йиғилишга раислик қилган Н.Тилаволдиев.

Хуллас, депутатлар бир овоздан бундай хатти-ҳаракатни фракцияга ҳурматсизлик сифатида баҳолаб, қонун лойиҳасини яна кун тартибидан чиқаришга қарор қилдилар.

Фракция йиғилишида бошқа қонун лойиҳалари ҳам муҳокама қилиниб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Равшан МАҲМУДОВ,
«Миллий тикланиш»
муҳбири

✓ Сенатда

СЕНАТ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ЯҚУНЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўттиз иккинчи ялпи мажлиси якунига етди. Мажлисида 13 масала кўриб чиқилди. Шундан бештаси қонун бўлса, қолганлари бошқа масалаларга тааллуқли бўлди. Сенаторлар тўрт қонунни маъқуллади ва бир қонунни рад этди. Жумладан, «Электрон тижорат тўғрисида», «Электрон рақамли имзо тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонунлар маъқулланди. «Ташқи меҳнат миграцияси тўғрисида»ги қонун эса рад этилди.

Мажлис давомида Сенат раиси янги ўринбосари сайланди. Яқинда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси лавозимига тасдиқланган Аманбай Тлеубаевич Оринбаев Олий Мажлис Сенати раисининг ўринбосари бўлди. Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2022 йил биринчи ярим йиллик якунлари бўйича ижроси тўғрисидаги ҳисоботи, ташқи ишлар вазирининг 2022 йил биринчи ярим йилликдаги фаолияти тўғрисидаги ахбороти эшитилди. Фарғона вилоятининг Учкўприк, Ўзбекистон, Дангара, Қўштепа, Тошлоқ, Фарғона туманлари ва Кўкюн, Марғилон, Фарғона шаҳарлари чегараларини ҳамда Наманган вилоятининг



Тўрақўрғон тумани ва Наманган шаҳри Давлатобод туманининг, шунингдек Наманган шаҳрининг чегараларини ўзгартириш бўйича қарор қабул қилинди. Боёвут, Қарши, Олот, Бўстон ва Тўрақўрғон туманлари ҳамда Каттақўрғон шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари доирасида белгиланган чора-тадбирлар ижросини ўрганиш натижалари кўриб чиқилди. Навоий ва Самарқанд вилоятларида янги иш

ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича амалга оширилган ишларни ўрганиш натижалари таҳлил этилди. Давлат органлари ва ташкилотлари тизимида 2022 йилнинг биринчи ярмида муножаатлар билан ишлаш ҳолати кўриб чиқилиб, камчиликларни бартараф этиш бўйича тавсия ва топшириқлар берилди. Шу билан Сенат ялпи мажлиси якунланди.

ЎЗА



ЭЛНИ АЛДАМАНГ, ШАҲРИХОНЛИК РАҲБАРЛАР!

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Фарҳод Ашматовнинг Шаҳрихон тумани, Бўстон маҳалласи аҳолиси билан ўтказган «Сайёр қабул» аввалги учрашувларга қараганда анча самарали бўлди, дейиш мумкин. Шунини алоҳида қайд этиш жоизки, муножаатларнинг 70 фоизи учрашув жойида ҳал қилинди. Хусусан, фуқароларнинг асосан газ баллонни, ноғиронлик аравачаси, тикув машинаси билан боғлиқ муаммолари мутасадди идоралар, ҳомийлар ёрдамида тезда ҳал этилди.

– Шу ернинг ўзида тегишли идораларга қўнғироқ қилиб, аксарият муножаатларга ечим топдик, – дейди депутат. – Хусусан, бир неча фуқарога газ баллонни этиказиб берилди, иш сўраб

муножаат қилган бир фуқарога «Саховат текстил»дан иш топиб бердик. Ер масаласи билан боғлиқ муаммо ҳам ижобий ечим топди. Тўғри, аслида бу масалалар тезда ҳал қилинадиган масалалардир. Аммо айрим мутасаддилар айби, лоқайдлиги, энг ёмони қўлидан келса-да, шунга бироз хоҳиш топмагани натижа-сида қатор муаммолар ечими ойналарга, йилларга чўзилган. Аксарият фуқаролар қайта-қайта муножаат қилишдан чарчасган.

Ана шундай оёғи ердан узилган, асл бурчи ва ваколатини унутган шаҳрихонлик раҳбарларга қарата, элни алдаманг, жаноб дохийлар, дегинг келади...

Сардор МҲЛЛАЖОНОВ
тайёрлади.



КУЧЛИ ҚУЙИ БЎҒИНДАН – КУЧЛИ ПАРТИЯГА!

Сиёсий партияларнинг сайловлардан кейинги фаолияти парламентга ва маҳаллий кенгашларга кўчади, ўзаро рақобатдан тортиб ҳамкорликкача ривожланиш, ҳатто галабадан муваффақият-сизликкача бўлган «жанг»лар ҳам айна шу «худуд»да кечади деган гап янги гап эмас. «Миллий тикланиш» демократик партиясининг 2022 йилнинг олти ойлик фаолияти сарҳисоб қилинаётган пленумларида ана шу фикр тез-тез тилга олинаётгани бежиз эмас. Тан олайлик, кейинги пайтларда у ёки бу қонунни ўтказишда партиядан сайланган депутатларнинг кам экани яққол сезилиб қолмоқда. Баъзан фракция йиғилишларидаги «қатъиятимиз» ҳам ялпи мажлисга борганда ўз кучини йўқотиб қўймоқда. Ана шундай ҳолат маҳаллий кенгашлардаги муҳокамаларда ҳам кўзга ташланапти, десак муболага бўлмайди. Бу эса бўлажак парламент ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловларга ҳозирданок жиддий тайёргарлик кўришимиз лозимлигини таъқозо этаётир.

Шунинг учун ҳам жойларда ўтаётган тадбирларда ўз фаолиятимизни танқидий таҳлил қилган ҳолда Янги Ўзбекистон сиёсий майдонига яна қандай гоё ва мақсадлар билан чиқиш зарурлигини белгилаб олаёلمиз. Хусусан, миллий юксалишга ҳалақит бераётган муаммолар ўрганилиб, «Инсон ўзгарса, жамият ўзгаради» гоёси остида 2020-2024 йилларга мўлжалланган Сайловолди дастурида белгиланган вазифалар ижроси қатъий назорат қилинапти. Хусусан, партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари II Пленумларида яна бир бор юқоридаги талаблар асосида 2022 йилнинг олти ойида амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилиниб, иккинчи ярим йилликдаги режалар белгилянапти. Масалан, партиянинг Тошкент вилояти Кенгаши Пленуми анчайин танқидий руҳда ўтди. Кенгаш раиси Маҳмуд Назаров ютуқ ва камчиликлар ҳақида гапириб, айрим туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари «Депутат сўрови» чиқаришда ҳамда депутатлик гуруҳлари томонидан дастурий вазифаларни бажаришда сусткашликка йўл қўйганини танқид қилди. Навоий вилояти Кенгаши раиси Илҳом Ражабов эса фаолиятимизга «соя» солаётган депутатлар ҳақида гапириб, Ҳовит шаҳри, Томди ва Кониҳ туманларидаги баъзи депутатларнинг сессияларга бирорта ҳам таклиф киритмаганига эътибор қаратди. Гарчи, Навоий вилоятидаги халқ вакиллари томонидан қорхона ва ташкилотларга юборилган «Депутат сўров»ларида кўтарилган масалаларнинг аксариятига ечим топилган бўлсада, айримларида мутаасаддилардан «тезда ҳал қиламиз», «кейинги йил дастурига киритиш режалаштирилган», «назоратга олинди» қабилида мавҳум жавоблар қайтарилган, холос.

Улар орасида эса умуман жавоб қайтарилмаганлари ҳам бор. – Хар бир «Депутат сўрови» ортита инсонлар тақдири, одамларнинг манфаати бор. Шу боис, депутат сўровларини охиригача назорат қилиш, натижадорлигини таъминлашимиз лозим. Керак бўлса, сўровга жавоб қайтармаган мутасаддиларга нисбатан қонуний чоралар кўришимиз керак. Шундагина раҳбарлар масъулиятни ҳис қилади, сўровларга эътиборли бўлади, – деди Навоий шаҳар Кенгаши депутати Анара Бобомуродова. Партиянинг Бухоро вилояти Кенгаши раиси Махсуд Мухаммедовнинг қайд этишича, ҳисобот даврида партия хайрихоҳларини ўз сафида бирлаштирган БПТлар сони 565 тага етган. Аъзолар сони 23925 нафарни ташкил этиб, олти ой давомида партияга 1051 нафар янги аъзо қабул қилинган. Аммо бу жараёнда Бухоро шаҳри, Жондор ва Ромитан туманлари Кенгашлари оқсоқликка йўл қўйган. Шу боис, йиғилишда шаҳар ва туман Кенгашларининг бир неча ходимига нисбатан интизомий чоралар кўрилиб, оғохлантириш ва ҳайфсан берилди. Тошкент шаҳар Кенгаши Пленуми ҳам танқидий руҳда ўтди. Шаҳар Кенгаши раиси Отабек Жиянбаев кун тартибидидаги масалалар юзасидан ҳисобот берар экан, пойтахт депутатлик гуруҳи томонидан Тошкент шаҳар Кенгаши сессиясига 11 та масала киритилгани, 152 та депутат сўрови ҳамда 50 та депутатлик сўрови юборилиб, уларнинг деярли барчасига ижобий ечим топилганини таъкидлади. – Албатта, бу рақамлар мақтанишга арзийди. Аммо айрим депутатларимизда ҳамон ташаббускорлик етишмаяпти. Берилган ваколатлардан тўлиқ фойдалана олмаёلمиз. Маҳаллий Кенгаш депутатлари фаолияти билан борлик ваколатлар эса борган

сари кенгаймоқда, – деди О.Жиянбаев. Андижон вилояти Кенгаши Пленумида эса Кенгаш раиси Ҳамиджон Оманов асосий эътиборни кадрлар масаласига қаратганини таъкидлаш жоиз. Қайд этиш лозим, партиянинг Сайловолди дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, камчиликларни бартараф этиш, туман ва шаҳар партия ташкилотлари, депутатлар фаолиятини яна-

ши фаолиятини жонлантириш жуда-жуда қийин кечаётганини, кадрлар масаласидаги хато қарорлар фаолиятга салбий таъсир этаётганини таъкидлади. – Вилоят партия тизимида ишлаётган ходимлар, маҳаллий Кенгаш депутатлари бир мушт бўлиб ҳаракат қилмас экан, ўзгаришларга юз тутиш қийин. Биз қандайдир манфаатлар учун эмас, қалбан партия фидойиси

камчиликлар, жумладан, халқ депутатлари Тўртқўл ва Тахтақўпир туман Кенгашларидаги айрим депутатлар томонидан бирорта ҳам депутат сўрови чиқарилмагани, «Хизмат – беимнат» лойиҳаси доирасида эса Тахтақўпир туман Кенгаши томонидан ўқув курслари ташкил қилинмаганини гапирди. Й иғ и л и ш я к у н и д а Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, Ватан равнақи ва халқимиз фаровонлигини ошириш, партиянинг дастурий мақсад ва вазифалари ижросини таъминлашда бошқаларга ўрнак бўлаётган халқ депутатлари Шуманай туман Кенгаши депутатлари Мийригул Байдуллаева ва Улжан Рауажоваларга партия Марказий кенгаши раисининг Ташаккурномаси топширилди.

У РАҚАМЛАР МАҚТАНИШГА АРСИЙДИ. АММО АЙРИМ ДЕПУТАТЛАРИМИЗДА ҲАМОН ТАШАББУСКОРЛИК ЕТИШМАЯПТИ. БЕРИЛГАН ВАКОЛАТЛАРДАН ТЎЛИҚ ФОЙДАЛАНА ОЛМАЙМИЗ.

Сирдарё вилояти Кенгаши Пленуми ҳам анчайин танқидий руҳда ўтди, дейиш мумкин. Кенгаш раиси Норбо Соатовнинг 2022 йилнинг олти ойида амалга оширилган ишлар, иккинчи ярим йилликда белгиланган вазифалар ҳақидаги ҳисоботида ҳам хатоларга кескин муносабат билдирилди. Пленумда партия Марказий кенгаши раиси ўринбосари Феруза Мухаммаджанова, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шерзод Қулмаатовлар сўзга чиқиб, партиянинг дастурий вазифалари ижросини таъминлаш, партиявий лойиҳалар ҳамда аҳоли муурожаатлари билан ишлаш самарадорлигини ошириш, сайловчилар билан ишлашда депутатлар масъулиятини ошириш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирилди. Йиғилишда фаолиятида сусткашликка йўл қўйган депутатларнинг сессияларида, Самарали натижа курсатаётган депутат ва ходимлар эътироф этилиб, тақдирланди. Хоразм вилоят Кенгаши Пленумида эса кадрлар масаласида йўл қўйилаётган хатолар, ёшлар ва аёллар муаммоларига етарлича эътибор қаратилмаётганини танқид қилинди. Пленумда ташкилий масала кўрилди. 2017 йилдан буён вилоят Кенгаши раиси лавозимида ишлаб келган Ражаббой Рўзметов ўз хоҳишига кўра, вазифасидан озод этилди. Бундай йиғилишлар партиянинг бошқа вилоят Кенгашларида ҳам давом этмоқда. Албатта, Пленумларда муҳокама қилинган масалалар, билдирилган фикр-мулоҳазалар, таклифлар қозғоларда қолиб кетмайди. Партиянинг худудий кенгашларида ўтказилган бу каби йиғилишлар партия Марказий кенгашининг шу йил 25 август куни ўтказилган II Пленумининг узвий давоми бўлиб, йўл қўйилган хато ва камчиликлардан хулосалар чиқарилади. Белгиланган, тасдиқланган режалар, галдаги вазифалар яна бир бор кўриб чиқилиб, партия ва депутатлар ишини янги талаб ва таклифлар асосида фаоллаштириш чоралари кўрилади.

да жонлантириш лозимлиги пленумда алоҳида қайд этилди. Депутатлар фаолиятини ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш, янги БПТни тузиш, партия сафига аъзоларни қабул қилиш, депутатлар ҳамкорлигини кучайтириш зарурлиги ҳам эътибордан четда қолмади. Партиянинг Наманган вилояти Кенгаши Пленумида иштираётган партия Марказий кенгаши девони раҳбари Акмал Жумабоев сўзга чиқиб, яқинда вилоят Кенгаши раиси сифатида иш бошлаган Дилноза Азизованинг фаолиятини юқори баҳолади. Вилоятдаги партия ташкилотлари ҳамда депутатлар фаолияти ҳақиқий маънода жонланаётганини таъкидлади. Пленумда вилоятда энг намунали Кенгаш сифатида эътироф этилган Косонсой тумани Кенгашига 1 млн сўмлик «ваучер» тақдим этилди. Жиззахда ўтган Пленум ҳам таниқдий руҳда бўлди. Унда партия Марказий кенгаши раиси ўринбосари Феруза Мухаммаджанова сўзга чиқиб, Жиззах вилояти Кенга-

✓ Жараён

«БЕШ ТАШАББУС ОЛИМПИДАСИ»ДА ЁШЛАР ФАОЛ ИШТИРОК ЭТМОҚДА



Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 19 январдаги «Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, «Маҳалла-сектор-туман-вилоят-республика» тизими асосида ўтказиб келинаётган «Беш ташаббус олимпиадаси» маҳаллаларда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларни китобхонлик, маданият ва

санъат, интеллектуал ўйинлар, ахборот технологиялари ҳамда спорт турларига жалб қилишга хизмат қилмоқда. Қорақалпоғистон Республикасида «Беш ташаббус олимпиадаси»нинг иккинчи мавсумига старт берилди. Ушбу мавсум доирасида ўтказилган кўрик-танлов ва мусобақаларда иштирок этиш учун жами 238 минг 803 нафар ёш электрон тарзда рўйхатдан ўтган. Дастлабки мусобақалар стол тенниси, шахмат ва шашка бўйича ўтказилди. Амударё,

Беруний, Эллиққалъа, Тахиятош, Кегейли, Қанлиқўл, Қўнғирот туманлари ҳамда Нукус шаҳридаги маҳаллаларда белгиланган дастур асосида ўтказилди. Мазкур босқич доирасидаги спорт мусобақалари ва танловлар сентябрь ойи охирига қадар республиканинг барча туман ва шаҳарларида тўлиқ якунланиши режалаштирилган. Кейинги босқичлар октябрь ва ноябрь ойларида ташкил этилади. Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ, Ўза

Ҳамдам НИЁЗОВ,
партия Марказий
кенгаши бўлим бошлиғи

САВОЛ ЖУДА ОДДИЙ:

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРИ НЕГА БАЖАРИЛМАЯПТИ?

Ўтган ҳафта
 “Ишонч” газетаси
 таниқли журналист
 Ҳалим Сайиднинг
 “Савол жуда оддий:
 Президент қарори
 нега бажарилмаяпти?”
 сарлавҳали мақоласини
 эълон қилди.

Бир қарашда унчалар шов-шув ва иқтибослар келтиришга арзимайдиган мақола. Аммо ана шу оддийлик фондида устоз-журналист, хокисор олим Ҳалим Сайид анъанавий матбуот – даврий нашрларнинг оғриқли танасига санчилаётган игнага синдирилган «малҳамга жамоатчилик эътиборини қаратибди. Шундан кейин «Ишонч» бош муҳаррири Ҳусан Эрматов «асрлар оша» боши қувушмаётган жаноб бош муҳаррирларга ушбу мақолада кўтарилган масалани каттароқ аудиторияга тарқатиш масаласида мурожаат қилибди...

Маълумки, 1 сентябрдан бутун мамлакатимиз бўйлаб босма нашрларга обуна бошланди. Гарчи дастлабки «прогноз»лар «Обуна – 2023» мавсумининг ёмон ўтмаслигидан далолат берса-да, аксарият нашрлар жамоаси бундай таскинлар асоссиз эканини таъкидлашдан чарчамаяптилар. Чунки ҳали-ҳануз аксарият муассислар бир маҳаллар газета ёхуд журнал таъсис этиб қўйганини ҳам эслолмайдиган даражада сукут сақлашда давом этмоқдалар, бирон идорага мурожаат қилсанг, қўйинг, оғайни, эртага ёзишадди, бирон блогерга айтиб, шарманда қилишадди, деган гаплар қулоққа чалинмоқда. Реал ҳақиқат шундаки, саводсизликни тарғиб қилаётган ижтимоий тармоқдан ёки масала моҳиятини охиригача тушунмаётган айрим блогерлардан чўчиб, «мажбурий обуна» ибораси шовқинида хўлу-қуруқ баробар ёнганини ҳалигача сезмаяпмиз.

Бу жараёнда энг оғриқли зарба таълим ва болалар нашрлари бошига тушдики, бу оғриқ ҳали узоқ йиллар «самара» беришига шубҳа йўқ энди.

Ҳалим Сайиднинг ушбу мақоласи

айнан шу ҳақда бўлгани учун ҳам уни «Миллий тикланиш» ўз ўқувчилари ҳукмига ҳавола қилишига қарор қилдик.

Чунки янги йилда миллионлаб ўқувчилар, газетхонлар, боринги, зиёлилар қатламига кириши эҳтимоли юқори бўлган юрдошларимиз орасида «Миллий тикланиш»чиларнинг ҳам яхшигина улушлари бўлиши мумкин.

Китоб, газета ёки бирон журнал ўқимай, эртадан кечгача интернетнинг ювуксиз оёғини ўпаётган авлодга умид қилиш хато эканини бот-бот тақорлаётган дунё олимларига ишонмаслик мумкин эмас, албатта.

«Олтин қалам» соҳиби Ҳалим Сайид мақоласида айнанан ана шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилган.

Бу гал «ҳоким нега газета ўқимаяпти», деган саволни бермаймиз. Ўқимаса ўқимас, юмуши кўпдир, қолаверса, нашрларни мутолаа қилиб, мазмунини айтиб берадиган котиблари бордир.

Ўқишнинг нақадар зарурлигини, саводсизликни йўқотиш кераклигини айтиш ҳам шарт эмас деб ўйлаймиз – «ақл ўргатма» дейиши тайин. Ахир у ҲОКИМ – ўқимишли, зиёли, вилоят ёки шаҳар аҳолисининг етакчиси. Шундай хислатлари бўлмаганда у раҳбар этиб тайинланарми?

Ўқимаса ҳам бўлар, лекин улар Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳар бир фармон ва қарорларини ҳижжалаб ўқиши шарт эмасми? Ёки уларни ўқиш ҳам котиблар даражасига тушиб қолганми?

Биринчи мисол. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 майдаги «Халқ таълимини ривожлантиришга оид қўшимча чоратadbirlar тўғрисида»ги ПҚ-241-сон



қарорининг 13-бандида «раҳбар ва педагог кадрлар томонидан таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотларни, соҳада жорий қилинаётган янгиликларни янада кенгроқ тарғиб этилиши, ўқувчиларнинг касбий ва шахсий ривожланишлари учун керакли бўлган маълумотларни олишлари учун имкониятларни кенгайтириш, уларнинг билими ва тафаккурини ошириш мақсадида халқ таълими йўналишидаги босма нашрларни таълим муассасаларига етказиб беришни таъминлаш вазифалари» Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилари Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари зиммасига юклатилди.

Мазкур қарор ижроси молиячилар томонидан «бюджет маблағларининг мазкур йўналишга ажратилишига рухсат йўқ» деган баҳона билан пайсалга солиб келинди.

Иккинчи мисол. 2022 йил 27 июнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва журналистика соҳасини ривожлантириш чоратadbirlar тўғрисида»ги ПҚ-294-сон қарорининг 1«в» бандида мазкур баҳонага чек қўйилди: «бюджет ташкилотларига улардаги «кутубхона фонди» харажат моддаси орқали даврий босма нашрлар, уларнинг электрон шакли ва электрон оммавий ахборот воси-

таларига обуна бўлиш учун маблағ йўналтиришга рухсат берилади».

Яқинда ҳокимлик пиари учун қайсидир сайт билан тузилган 90 миллион сўмлик шартнома ижтимоий тармоқларда кўпчиликнинг назарига тушди. Эътирозимиз йўқ. Пиар бугунги куннинг талабидир балки. Сайтнинг ҳам, сизнинг ҳам омадингизни берсин!

Лекин юқорида таъкидланган қарорлар ижросига келганда «пул йўқ», шундайми? Тўғри, янги алифбомизда чоп этилаётган таълим нашрлари Сизнинг пиарингиз ёки вилоятингиздаги коррупцион ҳолатлар танқиди билан шуғулланмайди, лекин муаллимлар савиясини кўтаришга, фарзандлар тарбиясига, саводини яхшилаш йўлида чоп этилади.

Панд. Президент қарори кўзбўямачилик ёки пиар учун чиқарилмайди! Мисолимиздаги қарорда мактаб кутубхонаси фонди учун маблағ ажратиш зарурлиги уқтириляпти!!! Кутубхона фондиди ривожлантиришга ажратиладиган маблағлар эса Сизнинг шахсий мулкнингиз эмас, жаноб ҳокимлар!.. Керакли маблағларни топиб, ажратиб, халқ таълимига оид газета-журнал шаклида шахсий назоратингиз остида мактабларнинг гариб ҳолга келиб қолган кутубхонасига етказинг! Бу Президент топшириғи!

Сарлавҳадаги саволга қайси ҳоким биринчи бўлиб жавоб бера олади? Шундай ҳоким борми ўзи?

Ҳалим САИД,
 «Олтин қалам» миллий
 муқофоти совриндори.
 «Ишонч» газетасининг
 8 сентябрь сонидан олинди.



Мулоҳаза

«ЎЛИМ ЎПҚОНИ»...

Яқинда ижтимоий тармоқларда таниқли шоир Уроз Ҳайдарнинг Темирпўлат Тиллаевнинг «Ўлим ўпқони» асари ҳақидаги мулоҳазаларига кўзимиз тушди. Шоир бир асар мутолаасидан олган таассуротлари билан бирга айна пайта бадий адабиётимиз, хусусан, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси олдида турган қатор муаммоларга ҳам тўхталиб ўтган. Шоир мулоҳазасида: Темирпўлат Тиллаевнинг «Ўлим ўпқони» асарини жиддий ўқиялман. Жуда катта истеъдод соҳиби экан у. Уни уйига бориб «Насаф» нашриётига чорлаганимдан ўқиндим. Қишлоғида ўқитувчилик қилиб асарлар ёзиб юрмасмиди?! Шаҳар унинг истеъдодини кўммочда куйдирганидан ачиндим. Агар ўттиз йил аввал уни пойтахтга чорлаганимда бу вақт ичида у иккита энг яхши романни ёзган бўлармиди? Балки ўзимизнинг «Габриэл Гарсиа Маркес»имиз бўларди. Балки Нобелга илк ўзбек адаби сифатида эга чиқарди. Ундаги фавқуллода истеъдод ҳодисага айланарди.

Дарҳақиқат, Уроз Ҳайдар Темирпўлатдек истеъдодли адабиётдан ўзини чеккага тортгани ва бир чақага қиммат думбул «шоир шоирача»ларни бошсиз бошини силашга киришиб кетганидан куюнади. Темирпўлат Тиллаев ижодида янги услуб, маҳорат ҳақида тўхталиш асосида ҳозир адабиётшунослар кўплиги, аммо улардан садо йўқлигини иддао қилади: «Илмий даража ва илмий унвон гадоси десам кўполроқ бўлар, яхшиси кумга сингган сувдай на овоз, на садо бор уларда. Агар бўлганда эди «Ўлим ўпқони» ҳақида ёзишган бўларди. Кечирасиз, Рауф Парфининг йиртиқ қилиб бировга кийгизган билан шоир чиқаролмайсиз. Шоирлик Аллоҳдан, шеър идрок маҳсули. Шоирликнинг мактаби йўқ (такрор-такрор айтаман). Чин шоирнинг ўзи ўзига мактаб. Қўлбола деганларини унта академияга ўқитсам шоир чиқмайди. Уринишлар бўлаяпти. Аммо охири бахайр бўлсин. «Ўлим ўпқони» баҳонасида тўқилдим. Узр».

Юқоридаги мулоҳазанинг ўзи қатор саволларни келтириб чиқаради. Аслида бу муаммоларга ечим излаш, бадий адабиётга янги нафас олиб кириш, чекка-чекка қишлоқларда ёниб ижод қилаётган ижодкорларни ижод учқунини аланга олдиришга қўмаклашиш, Ёзувчилар уюшмасининг вазифаси эмасми?

Фаолиятимиз давомида кўплаб манзилларда бўлдик. Энг чекка қишлоқ, овулларда қўлига қалам берсангиз бас, бутун бошли дафтарни тўлдириб, шеър, ҳикоя ёки бошқа бир ижод маҳсулини қўлингизга тутқазадиган ёш ижодкорларимиз бисёр. Лекин ижод оламига қайси йўлдан кириб боришни билмайди. Инкор этмаймиз, уюшманинг ҳудудий бўлимлигига жалб қилинган ёш ижодкорлар ҳам кам эмас, аммо чинакам истеъдод эгалари, олов қалбли ижодкорлар қайсидир манзилларда ўз қобиғида ижод қилиб, нари борса туман нашрларига бир-икки ижод намуналарини чиқарган. Бирор эътибор, рағбат бўлмаган, қаламини улоқтириб, кетмон чопаетган ёки бошқа бир тирикчилик илинжида адабиётдан йироқлашган ижодкорларнинг тақдирига бефарқлигимиз, келажак авлод вакиллари учун қимматга тушмаса бўлгани...

«Ўлим ўпқони» қаҳрамонлари денгиз жониворлари каби вазисиз оламнинг тутқунларидир, деб ёзди Уроз Ҳайдар асар мутолаасидан тўлқинланиб. – Улар қичқирган билан овозини ўзидан бошқа эшитмайди. Суд «тамға»си урилмаган маҳбуслар ҳам дейсиз. Аммо улар тақик чизиги мавжудлигини ўзини англаб етмаган маҳкумлардан улароқ чуқур идрок этади, гарчи абсурд бўлса-да, мунозара ва

мушоҳада майдонида ўзи билан беллашишга куч топади. Уларда субтсизлик бегона, гапини ичига ютмайдиган (Норбой), вайсақликдан ҳомуза тортишни эп билган дангал ва чапани, ўз рақибига тик боқиши билан ажралиб туради. Бу асар бир ўқишда ўқувчига тушунарсиз бўлиши мумкин. Лекин ишонч билан айтишим мумкинки, «Ўлим ўпқони» бешафқат реализм руҳи билан суғорилган, ҳеч бир қолипларга тушмайдиган, ҳар лаҳзасида инсоний изтироб ва қайғулар талотумида, қувонч ва бахтнинг саодатманд гуллари барқ уриб очилиб турган кошонасида мангу тирикчилик андуҳлари акс садо бераётган, Ватан деб сўзлаб шон-шарафга чулғанаётган кимсалар қаторида, Ватан деб қон туфлаётган, азоб чекаётган ва мана шу мангу азоб лаззатидан девона бўлиб пшаётган «туронлар ҳаёти» адабий санъат даражасида талқин қилинишини ўз олдига мақсад қилган, баъзи ўринларда бу салобатли даъвога эришган, гоҳ эса эришолмаган, нима бўлганда ҳам чинакам адабиёт мухлисларининг баҳс-мунозараларига лойиқ ҚИССАДИР. Назаримда, Назар Эшонқулнинг ҳозиргача чоп этилган барча асарларидаги инсон ҳаётининг моҳиятини тиссоллаштириш санъати ҳодисасини билиш «Ўлим ўпқони»ни тушунишнинг биринчи босқичидир. «Ўлим ўпқони» асари бир инсон қалб сайёрасининг



фожиавий манзараларини ибтидо ва интиҳоси тажассуми десам янглишмайман. Бу қиссани кенг китобхонлар оммаси қабул қила олмаётганлигининг яна бир сабаби қисса воқеалари юқоридаги каби кўп қатламли, кўп оҳангли ва кўплаб қарама-қарши фикрлар асосига қурилганлигидир. Бу қисса; бирор бир саҳифасида номи зикр этилмаса-да, «Ватан озодлиги ва Ватан изтироби» ҳақидаги асардир. Жумлалар тарҳини минг ёриб изласак-да тополмайдиганимиз – мустабидлик ва ана шу мустабидликнинг оғир асоратли ҳақидаги бешафқат баённамидир. Бу битиклар «телбаваш ва бир қадар жайдари» қаҳрамонларининг тақдир ва умр кечинмаларида зулм ва зўравонликнинг инсон зотини ерпарчн қиладиган разиллиги акс этган, ҳамма бирдек ишонмайдиган қадим

ривоятлардир. Бу асар маҳкумлиқ изтироби ҳақидаги беун ҳайқирқидир, лекин уни ҳамма ҳам эшитавермайди. Бу асар инсон ҳаётини муқаррар сўнги манзил сари элтадиган паймона элчиларининг ёвуз тимсолларини ўзида мужассам этган замонавий афсонадир».

Биз ҳам «Ўлим ўпқони»ни мутолаа қилган бўлсак-да, Уроз Ҳайдардек ижодкордан ўтиб бир сўз дея олмадик. Аслида бу асарга бундан ортиқ баҳо ҳам йўқ.

Ўйлаймизки, ҳар бир сўз қадрини яхши биладиган, ижод изтиробию «тўлғоғи»ни чуқур англайдиган ижодкор – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиiddин Сайид бир асар баҳонасида санаб ўтилган муаммоларга, албатта, эътибор қаратади.

Маҳбуба КАРИМОВА,
 журналист

ЯНА ТОМДАН ТАШЛАЙДИГАНЛАР БОРМИ?

ЕР юзида ахборот хуружи тобора авж олиб турган бир замонда ижтимоий тармоқлар шу даражада фаоллашиб кетди-ки, мабодо бирор хатога йўл қўйсанг ёки аксинча, ном қозонсанг, тамом, ўша заҳоти «машхур» бўласан-қоласан.

Газал мулкининг султони мир Алишер Навоий ҳазратлари: «Олдига қўйилганни ёмоқ - ҳайвоннинг иши, оғзига келганни демоқ нодоннинг иши» деб ёзган эдилар...

Қориларимиздан бирининг олдига бир киши ўз дардини айтиб борибди: эмишки, бу кимса киморда икки юз минг АҚШ долларини бой бериб қўйгач, шунча пулни энди қаердан топаман, деб ўз жонига қасд қилмоқчи бўлибди. Бу иш қўлидан келмагач, йиғлаб қорининг ёнига борибди: «Менга маслаҳат беринг, нима қилсам бўлади, қандай йўл тутсам бу балодан қутиламан», деб воқеани гапириб берибди...

Яқинда Янгийўл туманида ҳам шунга ўхшаш воқеа юз берибди: бир фуқаро имтиёзли кредит олишга рад жавобини олгач, ўз отини тикиб, очлик эълон қилибди. Бу «қаҳрамонлик» ҳам етмагандек, у имтиёзли кредит берилмаганлиги сабабли кийимсиз ҳолда қўшнисининг томига чиқиб, ўзини томдан ташламоқчи бўлибди.

Бошқа бир ижтимоий тармоқ «қаҳрамони» эса одамларни йирик бир корхона олдига тўплаб, устидан бензин қўйиб, ўзини ёқиб юбормоқчилигини айтиб, аҳолини қўрқитибди...

Тўғри, глобаллашаётган ва тобора чигал муносабатлар тўрига чуқурроқ тушаётган бу ёруғ дунёда ҳеч кимга осон тутиб бўлмайпти. Бундай шароитда оддий одамлар эмас, бутун бошли давлатлар ҳам очлик, қашшоқлик гирдобига тушиб қолаётир. Аммо ҳар нарсада меъёр бўлиши керак, назаримизда. Халқимизда муомалали мингни енгибди, муомаласиз бирни ҳам енголмабди, деган гап бор. Аждодларимиз ҳам ягона нажот йўли илмдир, деб бежизга айтмаганлар. Ҳар бир инсон умри давомида илм олиб, ўз устида ишламас экан, ҳар қандай муаммо қаршида осонгина енгилверади. Инсон деган муносиб номга доғ туширувчилардан бири бўлиб қолмаслик учун ҳам то қабргача илм излаш лозимлигига, айниқса, бугун юз қарраб амин бўляпмиз. Қаерда ва қандай ҳолатда бўлмасин билим инсоннинг халоскори, инсон илми ва қалбани бой бўлмас экан уни ҳеч нарса бой қила олмайди. Банк кредит бермади деб оғзимизни тиксак, пул ютқаздим дейишдан олдин ўз хатти-ҳаракатларимиз оқибатини ўйлаб, томга чиқиб эл, улус олдига ўзимизни эмас, бутун авлодимизни шарманда қилиб ерга урсак... Буларнинг бари билимсизлик, нодонлик оқибатларидир. Шундай экан, ҳар бир инсон ўз тизгинини ўзи қўлга олмас, юқоридагидек уятли ҳолатлар давом этверади.

Нафиса РУСТАМОВА,
журналист

МУЛОҲАЗА



«...Эй қизим! Сен урганган уйингдан кетиб, нотаниш хонадонга тушмоқдасан. Сен бўлажак кўёвнинг ҳамма хислатларини билмайсан. Сен унинг олдида ер каби камтар бўлсанг, у осмон каби олижаноб бўлади...»



ҚИЗ ФАРЗАНД ЎСТИРАЁТГАН БЎЛСАНГИЗ...

Ўзбек давлатчилигининг 3000 йиллик тарихига юзлансак, хотин-қизлар табиат билан қиёсланиб, гўзаллик, тўкин ҳаёт, киши умрининг мазмуни ва келажак манбаи сиймосида улуғланганлигини кўрамиз. Қадим қўлэмалардан бири – «Авесто»да «Аёлларни муқаррам тутинглар», деб қайд этилгани, эркак ва аёл илм ўрганиши, турли касбларни эгаллаши шартлиги белгилаб қўйилган.

Шунингдек, Қуръони карим сураларидан бирининг «Нисо» (Аёллар) деб номлангани ва бир қанча бошқа сураларда аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва уларга оид масалалар хусусида оятлар нозил қилинганлиги ҳам аёлларга бўлган эҳтиром намунаси. «Тавба» сурасининг 71-оятда эса гендер тенглик хусусида: «Мўмин эркаклар ва мўмина аёллар бир-бирларига дўстдирлар. Улар яхшиликка буюрурлар, ёмонликдан қайтарурлар», деб қайд этилган. Ҳадиси шарифда ҳам «Сизларнинг энг яхшиларингиз аҳли аёлига яхши бўлганларингиздир. Аввало онангизга, онангизга ва яна онангизга яхшилик қилинг», дея хотин-қизларни ҳурмат қилиш, уларни қадрлашга чорланган.

Шу ўринда муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг «Агар биз бўлгуси хоразмийлар, фарғонийлар, берунийлар, бухорийлар, улугбеклар, навоийларни тарбияламоқчи эканмиз, биринчи навбатда, ҳар томонлама соғлом, юксак билимли ва маънавиятли оналарни тарбиялашимиз зарур», деган сўзларидан қиз фарзандни касб-хунарга ўқитиш, илми ва зукко қилиб тарбиялашнинг асосий моҳияти, уни келажакда қутилмаган синовларга бардош бера олуви ва оғир вазиятларда ҳам кучли она сифатида турмушини тўғри йўлга қўйиши масаласи талқин этилганини кўриш мумкин. Эътиборлиси, улуг аллома Ибн Сино ҳам «Уйни саранжом тутуш» асарининг «Аёлларнинг энг гўзал сифатлари» бўлимида хотин-қизларнинг

яхши хулқли бўлиши учун: билимли, эътиқодли, уятчан, шарм-ҳаёли, табиатан жасур қилиб тарбияланиши зарурлигини таъкидлайди. Кўриниб турибдики, азалдан хотин-қизларнинг юриштириши, ташқи қиёфаси, кийиниш одоби, муомала маданияти унинг табиати, характерида шаклланиши шарт бўлган муҳим жиҳатлар саналган.

Бахтиёр оила тушунчаси ҳақида Алишер Навоий «Маҳбуб ул-қулуб» асарида ҳам тўхталиб: «Яхши хотин – оиланинг давлати ва бахти», дея таърифлаган.

Маърифатпарвар олим, Туркистон жадидларининг ғоявий раҳнамоси Аҳмад Дониш «Оилавий бахт кўпроқ хотинларга боғлиқ, чунки эркак учун солиҳа хотиндан ортиқроқ ҳеч бир неъмат йўқдир, оиладаги иноқлик, тотувлик, саранжомлик улар қўлидадир. Донишманд аёли севмоқ, ҳурмат қилмоқ ҳар бир эркак (эрнинг вазифаси), дея ўзбек аёллари кадрлаштиради.

Дарҳақиқат, гарчи оила-туғилги, фарзанд тарбиясида асосий масъулият онанинг зиммасида экан бунинг учун хотин-қизларни илм-маърифатга йўналтириш, касб-хунарга ўргатиш муҳим саналади.

Ўтган асрда яшаб ижод қилган маърифатпарвар жадид боболаримиз Маҳмудхўжа Бехбудий, Фитрат, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Ибрат ва бошқалар: «Агар биз башарият тарбиячиси бўлган қизларимизни ўқитмасак, уларни илм олишларини

рағбатлантирмасак, келажакда ярим миллат тарбиясиз ва илмсиз бўлиб қолиши, бинобарин, ҳар бир бола дастлабки тарбияни ўз онасидан олиши лозимлиги борасида куюниб гапирганлар.

Уринли савол туғилади. Хўш, бугун Форобий, Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Бибиҳоним, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Мирзо Ботибур, Нодирабегим, Увайсий, Бехбудий, Чўлпон, Абдулла Қодирий каби инсонлар туғилмаётгани, ёки туғилгану, биз уларни тарбиялай олмаётганими? Шундай бўлса сабаб нимада? Назаримизда, яқин-яқингача замонавий ўзбек оилаларида қизларни таълим олиши ва илмий фаолият билан шуғулланишларига кам эътибор берилганидир. Бу борада бирор натижага эришишни истасак, аввало, аксарият оталарнинг дунёқарашлари ва қиз фарзандни илм олишига бўлган салбий муносабатларини ўзгартиришимиз, барча ота-оналарнинг ўз кизини ўқимишли бўлиши учун моддий-маънавий қўллаб-қувватлашига эришишимиз керак бўлади. Бу бироз мушкул, аммо удаласа бўладиган вазифадир.

Бу борада мулоҳаза кетганда, Давлатимиз раҳбарининг: «Аёл хўрланса, оилада носоғлом маънавий муҳит шаклланади, аёл бекбос бўлса, жиноятга йўрғалайди, аёл касалманд бўлса, миллат генофонди бузилади, аёл илму маърифатдан узоқлашса, фарзандлар тарбиясиз ўсади. Бу алал-оқибат мам-

лакат тараққиётига болта уриши муқаррар. Аёл бахтли бўлса, оила ва жамият ҳам албатта бахтли бўлади», деган фикрлари гапнинг индаллоси эканлигига амин бўламиз.

Фикримиз якунида эса, қиз фарзанд тарбиялаб, ўстираётган ота-оналар уни дунёвий ва диний илмдан бирдек сабоқ олишини таъминлаб, турмушга уза-тиш олдидан Абу Райҳон Берунийнинг «Минерология» асарида келтирилган ушбу сўзларни айтиш анъанага айланишини жуда истардик: «...Эй қизим! Сен урганган уйингдан кетиб, нотаниш хонадонга тушмоқдасан. Сен бўлажак кўёвнинг ҳамма хислатларини билмайсан. Сен унинг олдида ер каби камтар бўлсанг, у осмон каби олижаноб бўлади. Осмон шифобахш ёлғири билан ерни кўкартиргани каби у ҳам ўз меҳру шафқати билан сени хушнуд этади. Эринг сендан фақат юмшоқ ва ширин сўзларгина эшитсин, ярамайдиغان ёки эски либосда ёки юзларингга оро берилмаган ва сочларинг тартибга солилмаган ҳолда унинг олдида ўтирма. Эринга ҳадеб гина қилаверсанг нафратни уйғотади. Яхшиси, сен унга хушмуомала бўлгин, бу ҳар қандай сеҳр-жодудан яхшидир ва сувдан фойдалангин, бу хушбўй нарсаларнинг ичиде энг биринчисидир».

Муҳайё ИСОҚОВА,
ЎзФА Тарих институти бош илмий ходими, тарих фанлари доктори

ГУЛНОРА ҚАРИМОВА ОЛИБ ЧИҚИБ КЕТГАН МАБЛАҒГА 1400 ТА МАКТАБ ҚУРИШ МУМКИН

– Адлия вазирининг ўринбосари



Адлия вазирлигида Гулнора Каримова ва шерикларининг хориждаги активларини қайтариш масалаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Анжуманда Г.Каримованинг, аввало, Швейцариядаги (энг кўп активлар шу давлатда), қолаверса, бошқа мамлакатлардаги активлари ҳақида сўз борди.

Таъкидланишича, ундирилиши лозим бўлган жами маблағ тақрибан 686 миллион АҚШ долларига тенг бўлиб, ҳозирда унинг 131 млн. долларига қайтарилмоқда. Адлия вазирлиги мутасаддиларининг фикрича, ушбу маблағ таълим ҳамда соғлиқни сақлаш соҳаларига йўналтирилади. Ушбу жараёни назорат қилиш учун халқаро ташкилотлар, ННТлар, журналист ва блогерлардан иборат кенгаш тузилган.

Матбуот анжуманида 2020 ва 2021 йилларда Париж яқинидаги 2 та қаср сотилишдан 20 миллион АҚШ долларига тенг маблағ Ўзбекистонга қайтарилгани, Буюк Британияда 10 миллион фунт стерлинг миқдоридаги маблағ ва 3 та кўчмас мулкнинг тақдирини Лондон Олий судида қўриб чиқиш жараёнида экани, Латвияда эса жами 15 миллион АҚШ долларига тенг маблағлар, 85 унцияга (26 кг.) тенг олтин сертификатлари ҳамда Рига шаҳрида жойлашган маданий-кўнгилчолар

мажмуадан ташкил топган мулклар борлиги ҳам таъкидланди.

Аммо бу борадаги ишлар осон кечаётгани йўқ. Масалан, Латвиядаги активларни қайтаришда мураккабликлар юзага келмоқда. Шунга қарамай, ушбу давлатдаги активларни қайтариш бўйича ишлар қатъий изчиллик билан давом эттирилмоқда.

Шу ўринда Гулнора Каримовага тегишли бўлган мулклар Бельгия ва Россияда ҳам борлиги таъкидланди. Хусусан, 2021 йил ноябрь ойида Москва шаҳрида жойлашган активларни (6 та хонадон) Ўзбекистон даромадига ўтказиш ҳақида Москва шаҳар судининг қарори чиқарилган.

Ҳозирги пайтда, ушбу кўчмас мулк объектларини Россия суд ижрочилари томонидан сотиш жараёни кетяпти. Сотиш натижасида келиб тушган пул маблағлари эса Ўзбекистон ва Россия фойдасига тенг улушларда бўлиниши белгиланган.

Адлия вазирининг ўринбосари Музраф Икрамовнинг маълум қилишича, жинойий активларнинг умумий қиймати қарийб 1,3 млрд АҚШ долларини ташкил этади.

Ўз навбатида, ҳозирги кунга келиб, мажбур пуллар 14,3 триллион сўмини ташкил этиб, улар ҳисобига 1400 тадан ортиқ мактаб қуриш мумкин эди.



ПЕНСИЯНИ ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ УЧУН ИШ ҲАҚИНИНГ МАКСИМАЛ МИҚДОРИ ОШИРИЛАДИ

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун билан 2023 йилнинг 1 январидан пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун иш ҳақининг максимал миқдори пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 10 баробаридан 12 баробарига оширилади.

Сенатда маъқулланган мазкур қонунга мувофиқ, пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун инobatга олинмаган ўртача ойлик иш ҳақи пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 12 баробаридан ортиқ бўлмаган, яъни 3 миллион 888 минг сўм миқдоридеги ўртача ойлик иш ҳақидан ҳисобга олинади.

Натижада 352 минг нафар фуқароларнинг пенсия миқдори қайта ҳисоб-китоб қилиниб, ўртача ойлик пенсия миқдори 400 минг сўмгача ошади. Шулардан 304 минг нафари ёшга доир пенсия олувчилар, 25,2 минг нафари ногиронлиги бўлган шахслар ва 23 минг нафари боқувчисини йўқотган шахслардир.

Бунинг учун Пенсия жаамгармасидан қўшимча равишда 1,5 триллион сўмдан зиёд маблағ ажратиш талаб этилади.

Янги тартибнинг жорий этилаётгани ижтимоий адолат тамойилларини мустаҳкамлаш, аҳолининг унумли меҳнат қилиб, кўпроқ ҳақ олишга қизиқшини оширишга хизмат қилади.

Н.АБДУРАИМОВА, ЎЗА

7 ОЙДА 10 621 НАФАР ЭГИЗАКЛАР ТУГИЛДИ

Давлат статистика кўмитаси маълумотларига кўра, 2022 йилнинг январь-июль ойларида республикамизда 10 621 нафар эгизак туғилиш ҳолати қайд этилган. Шундан 250 нафарини 3 ва ундан ортиқ эгизак туғилганлар ташкил этган.

2022 йилнинг 7 ойида ҳудудлар кесимида 2 нафар эгизак туғилганлар сони:

- Самарқанд вилояти – 1245 нафар
- Қашқадарё вилояти – 1071 нафар
- Тошкент шаҳри – 976 нафар
- Наманган вилояти – 944 нафар
- Фарғона вилояти – 929 нафар
- Сурхондарё вилояти – 897 нафар
- Андижон вилояти – 889 нафар
- Тошкент вилояти – 872 нафар
- Бухоро вилояти – 507 нафар
- Жиззах вилояти – 489 нафар
- Қорақалпоғистон Р. – 461 нафар
- Хоразм вилояти – 459 нафар
- Навоий вилояти – 354 нафар
- Сирдарё вилояти – 278 нафар



Шавкат РАҲМОН

Ватан

Ҳали бирор ишни уddаламадим,
Ҳали ҳеч кимсани қилмадим рози,
Беҳуда ўтибди гўзал умримнинг
Қанчалаб чиройли баҳори, ёзи.

Фароғат борлигин унутиб қўйдим,
Бағримга чақинлар теғди дафъатан,
Сендан-да улғурок нарса йўқлигин
Сочим оқарганда англадим, Ватан!

Бунча кеч англадим,
Нега мунча кеч...
Англасам лоақал ўттиз йил аввал,
Лоақал туғилмай туриб англасам...
Кўрган бўлармидим сени мукаммал.

Ҳали асл Ватан бўлмоғинг учун
Овози тошларни ёрар куйчилар,
Қанчалаб сеҳрғар шоирлар керак,
Қанча билим керак,
Қанча куч-чидам.

Умрим кўчклардай жимжит, шиддатли,
Буткул тинмоқ учун бир кун бемалол.
Фақат яхши бўлмоқ жудаям камдир,
Жуда камлик қилар яшамоқ ҳалол.

Нақадар кечикиб англадим сени,
Чақинлар йўқ қилса мени дафъатан,
Айт, қандоқ чидайман бундай хўрликка,
Айт, қандоқ ётаман қаёриңда, Ватан!

АГАР...

Тухматдан йиқилса
бирорта дўстим,
мен-чи хилватларда беркиниб ётсам.
Бу ҳам етмагандай анча вақт ўтиб,
покликдан сўйласам,
хотира сотсам.

Йўқ, бўлмас,
яшардим бошимни эгиб,
кезардим умрбод юртма-юрт ошиб.
Одамзот кўзига қаролмасам тик,
кўксимга осилган бўларди бошим.
Йўқ, йўқ, йўқ...

Албатта бирга бўлардим
тамуғ малайлари ишга тушган чоқ.
Дўстимла ёнма-ён туриб ўлардом,
эхтимол, ўлардим ундан олдинроқ.

ТОНГ ОЧАР КЎЗЛАРИН...

Тонг очар кўзларин эриниб,
севинчдан йиғлайди киеклар,
чечаклар жилмаяр севиниб,
шамолда чўмилар гиеклар.

Йўноқи шувълалар — болалар
жимгина тарқалар сайхонга,
ўрчимчак тўқийди толлалар,
хонқизи боради меҳмонга.

Қурбақа варақлар баёзин,
гўлдан бол сўради арчилар,
чизиртка қайрайди овозин,
парвозда ниначи — парилар.

Чумоли, меҳнаткаш чумоли,
қуйинма, атрофга бир қара —
майсалар, оҳ, қандай чумоли,
дунёни қилма кўп масҳара.

Жангда ўлган эмас бирор баҳодир,
бари ҳалок бўлган хиёнатлардан,
тошдай ухлаганда тўшларин очиб
ё заҳар қўшилган зёфатлардан.

Бирор асотирда баҳодирларни
ҳаттоки юз бошли аждар емаган,
минг бир синоатли ялмоғизлар ҳам
тоғларни ўйнаган девлар энгмаган.

Бари ҳалок бўлган хиёнатлардан,
барига орқадан санчилан ханжар.
Шундай бўлиб келган азал-у азал
Мана шу жафокаш, кўҳна Ватанда.

Ҳар гал баҳодирлар йиқилар экан
куракка санчилан номард тиғидан,
қайта тирилгандай бўларди ногоҳ
ҳар бир болақайнинг қорачиғида.

Ишонгил, ҳеч қачон сени алдамас
софдил элатларнинг асотирлари,
бирорта баҳодир ўлганмас жангда,
қўрқоқлар ўлдирган баҳодирларни.

ТУНГИ МАНЗАРА

Ўрмонлар жим, йиғламас шамол,
сой сайрамас, бақалар жимдир.
Инероқларга тўлиб кетган тун
тамгин кўшиқ айтади кимдир.

Отим ўлган, қиличим синган,
мажақланган совут, қалқоним,
Ким ташлади мени бу чоғга,
қайда қолди ёруғ осмоним!

Қаердаман, қайга борарман,
қора зиндон нақадар чуқур,
фақат тоқнинг буржидида ой
туйнукчадан тушар хира нур.

Барча азоб камлик қилгандай
сой сайрамас, бақалар жимдир,
гўё мазах қилгандай гоҳ-гоҳ
ёпиб турар туйнукни кимдир...

СЕҲРЛИ ОЙНА

Баъзи инсонлар бутун ҳаётини туганмас муаммолар кетидан қувиб, атрофдаги одамлар ҳақида нолиб, омадсизликдан азият чекишади. Лекин сиз ҳаётингизга шукроналик сеҳрини олиб кирсангиз, уни буткул ўзгартирган бўласиз. Сизнинг дунёингиз сеҳрли тарзда ўзгаради. Чунки сиз уни ўзгартирган бўласиз. Сизга таъсир қилувчи нарсалар ҳам ўзгаради.

Гандинининг ажойиб бир машҳур сузи бор: "Ойнадаги одамни ўзгартир ва сенинг бутун дунёинг ўзгаради". Агар 26 сеҳрли машқларини қандай бўлмасин бажарсангиз, сиз албатта ўзгарасиз. Сеҳрли машқларини оила ва дўстларингиз, ишингиз, пулингиз, соғлигингиз, орзуларингиз учун ҳаттоки йулингизда учраган нотанишлар учун бажарган бўласиз. Лекин ҳаммадан ҳам кўра барча раҳматларга арзийдиган киши бу СИЗ бўласиз. Ойнага қараб сизга қараб турган инсонга шукур қилсангиз, иккиланиш, афсусланиш, мен идеал инсон эмасман деган гаплар бутунлай йуқолиб кетади ва бу кайфият ҳаётингиздаги ҳамма нарсаларга таъсир қилади.

Ҳозироқ ойнани олди-га боринг. Тугридан-тугри ойнадаги инсонни кўзига қаранг ва чин юракдан овозингизни чиқариб "Раҳмат сенга" дег, бу инсон айнан сиз эканлигингизга раҳмат айтинг. Ҳар куни сеҳрли ойна машини бажаринг. Ойнадаги сизга қараб турган бу гўзал инсонга беадад шукурлар қилинг. Агар овозингизни чиқариб раҳмат айтиш учун ноқулай вазият бўлса, ҳар сафар ойнага қараганингизда узингизни 3 та яхши тарафларингизни топиб, улар учун ичингизда раҳмат айтинг. Шунингизда раҳматларга арзийдиган биргина инсон бу ойнадаги инсон. Бу машини бажарингиз билан узингизни хатоларингиз учун айбла-майдиغان бўласиз. Сиз шу ойнадаги инсон учун шукур қилганингизда хурсанд бўласиз, хурсанд, бахтли инсонларни ва вазиятларни магнитдай узингизга тортасиз. Ойнадаги инсонда сеҳрни кўра билсангиз, сизнинг бутун дунёингиз ўзгаради!

Интернет маълумотлари асосида тайёрланди.



деса ичига нимадир тиқилган. Кўрасаки – ичида бир даста пул!

Ҳеч нарсага тушунмаган шўрлик нима қиларини билмай қолибди. Атрофда ҳеч ким кўринмади. Нима қилиш керак? Бир муддат ўйланиб турган киши тиз чўкканча кўлини дуога очибди. Мурғак фарзанди хасталаниб қолган, дори-дармон учун пулга муҳтож бўлиб турган бир пайтда кутилмаган жойдан етказгани, шундайин саховатли бандаларни яратгани учун Аллоҳга шукрона айтибди.

Профессор шогирдига қарабди. Унинг кўзларида ёш кўрган устоз шогирд танлашда адашмаганига шукур қилиб, сўрабди:

– Завқланидингми?
– Бу менга берган дарсларингизнинг энг яхисиси бўлди, устоз... – дея жавоб берибди кўзидан оқаётган ёшларини яширишга бесамар уринаётган талаба.

✓ Ибрат

ЭНГ ЯХШИ ДАРС

Апрель ойининг сўлим кунлари. Кекса бир профессор қобилиятли талабаси билан университет хиёбонида сайр қилиб юрган экан. Фалсафий суҳбатга берилиб кетган устоз ва шогирд нарироқда терга ботиб ишлаётган кишига эътибор ҳам беришмабди. Аммо йўлак четдаги дарахт шоҳига илиб қўйилган оҳорсиз кийимлар ва унинг тагидаги бир жуфт эски оёқ кийимга кўзи тушган талабанинг фикри чалғибди.

Зийрак устоз буни пайқаб, шогирдининг назари тушган томонга қарабди. Улар, шубҳасиз, ўша сарпойчан бўлиб олиб ариқ тозалаётган кишига тегишли эди. Талаба, ёш йигит эмасми, шўхлиги тутибди. Устозига ўша мардумнинг кийимларини яшириб қўйиб, панада туриб унинг қандай аҳволга тушишини кузатишни таклиф қилибди. Мийиғида қулиб қўйган профессор бир муддат ўйга чўмибди. Майкачан бўлиб, елкаларини қиздираётган кўкламининг офтобига ҳам парво қилмай ишлаётган кишига ҳавас билан қараб туриб, шогирдига унда бошқа бир таклиф борлигини айтибди: "Курганингдан ва қилган ишингдан завқ олишни истаяпсан, шундайми? Унда кел бундай қиламиз, биламан, бой одамнинг фарзандисан, ўша пойабзал ичига чўнтагинда бор пулни солиб қўй-чи. Кейин четроқда туриб унинг ўзини қандай тутишини кузатамиз. Ишонманки, сен бундан кўпроқ завқ олсан". Талаба шундай қилибди, ишга андармон кишига билдирмай унинг пойабзали ичига пул тиқиб қўйиб, профессор иккаласи нари кетишибди. Бир муддат ўтиб, ишини якунлаган ҳалиги киши дарахт олдида келиб кийина бошлабди. Оёқ кийимини кияман

✓ Ажабо!

ЭҲ, ОДАМЛАР НИМАЛАРНИ ЎЙЛАБ ТОПИШМАЙДИ-Я?!



«Daily Mail»нинг хабар беришича, Американинг «Story File» мутахассислари келажақда мижозларга ғайриоддий хизматни таклиф қилади. Улар ўлимидан кейин ҳам қариндошлар билан «мулоқот қилишлари» учун одамнинг голограммасини яратишмоқчи. Қайд этилишича, бунда дастлаб инсон киффасида рақамли клон яратилади. Бунинг учун танланган мавзулар буйича бир қатор саволларга жавоб беради, бу ходиса бир вақтнинг ўзида 20 та камера томонидан ёзилди. Кейин ходимлар ёзувни қайта ишлайдилар, индивидуал материалларни белгилайдилар ва уларни сунъий ақлни ўргатиш учун ишлатадилар.

Бир чимдим кулги

Жиннилар жиннихонада ўзларича тўй қилаяпти. Биттаси кўшиқ айтапти, биттаси челақни чалапти, биттаси супургини гитара қилиб олса, бир жинни бурчакда орқа томонга қараб олиб «Тиииирррр, тиртиртир» – деб турса. Врач келиб жиннидан сўрабди: – Сен нима қилаяпсан, бурчакда «тириллаб» ўтирибсан, тўйга қатнашмисанми?
– Свет йўқ-ку, мен «движок»ман.

Ҳидоят сари

Биз мусулмонлар табиий илмлардаги қолюқлимиз учун ҳали жуда оғир ҳисобга тутиламиз.
Инсон намоз ўқиши учун ер юзидан бир метрга бир метр (1 кв.м) жой кифоя қилиши мумкин. Аммо ана шу кичиккина масжидни душмандан ҳимоя қилиш учун у Ердан Миррихгача, балки Кўшгача чўзилган билим-маърифатга эга бўлиши лозим.
Шайх Муҳаммад Фаззолий,
«Дардлар ва даволар» китобидан



«Қанча инсонлар кўрдим устидан либоси йўқ, қанча либослар кўрдим ичида одами йўқ»

Жалолитдин РУМИЙ

СУДОКУ

5			2	9	3
7	2		4		8
8	1	6			5
4	2	1	6		
5				2	
7	6		9		7
			3	8	6
4	3	5	1		2

«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТимоий-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Алишер ҚОДИРОВ – кенгаш раиси,
Акмал САИДОВ, Абдулазиз АККУЛОВ, Аброр ПЎЛАТОВ,
Амриддин БЕРДИМУРОДОВ, Акмал ЖУМАОБОВ, Баҳодир МАМАТХОНОВ, Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ, Илхом АБДУЛЛАЕВ,
Иброҳим ҒОФУРОВ, Ирода ДАДАЖОНОВА, Минхожиддин МИРЗО,
Олим ЎСАРОВ, Нодир МУХТОРОВ, Одилжон ТОЖИЕВ, Отабек ЖИЯНБОВЕ, Озодбек НАЗАРБЕКОВ, Ортикали ҚОЗОҚОВ, Феруза МУҲАММАДЖАНОВА, Хуришда ДЎСТМУҲАММАД, Шерзодхон ҚУДРАТХЎҶА, Шавкат ШАРИПОВ, Шухратжон АХУНДЖАНОВ.

Бош муҳаррир:
Миродил АБДУРАҲМОНОВ

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Максуд Шайхзода кўчаси, 1 А-уй.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Муаллифлар фикри таҳририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда бўлиб, улар муаллифларига қайтарилмайди.

Навбатчи муҳаррирлар:
Абдуғаффор ОМОНБОВЕВ,
Равшан МАҲМУДОВ,
Нашр учун масъул:
Маъмуржон ЮЛДОШЕВ
Навбатчи:
Вилоятхон ШОДИЕВА
Дизайн гуруҳи:
Асилбек ҚУДРАТОВ,
Лазиз МЕЙЛИКОВ,
Фирдавс ҲАМИДУЛЛАЕВ

Электрон почта:
mtiklanish@bk.ru / mtiklanish@mail.ru

Газета «SHARQ» нашриёти-мағбаа акциядорлик компаниясида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буёк Турон» кўчаси, 41-уй

2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Мағбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Газета ҳафтаининг chorshanba куни чиқади.

Адади – 5 057.
Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
Қоғоз бичими: 350x587. **Ҳажми:** 4 босма табоқ
Буёртма – 916
Босишга топшириш вақти 21.00.
Топширилди 2:55

Электрон почта: mtiklanish@bk.ru / mtiklanish@mail.ru

ISSN 2010-7714

123456